

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил январь ойининг 11 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, “Илғор” м.ф.й. биносидида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси И.Шахабованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи АААААААААА, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Ясингуннинг иштирокида, ААААААААААга нисбатан 1-1003-2104/641-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

АААААААААА – 2 йилда Андижон вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, пенсионер, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 19.01.2007 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган;

2) жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Хўжаобод туман судининг 09.07.2008 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,б,г” бандлари, 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 209-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 1 йил-у 9 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг 24.05.2010 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,211-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 15.10.2014 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 4 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган;



5) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 02.06.2020 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми ва 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 11.038.500 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима 15.06.2020 йилда тўлиқ тўланган;

б) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 17.02.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,61,62-моддалари тартибида 5.575.000 сўм жарима ва 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жарима 28.05.2021 йилда тўлиқ тўланган, Хўжаобод тумани ИИБ ПГнинг 09.12.2021 йилдаги №42/3-3425-сонли маълумотномага асосан 1 йил-у 3 ой 22 кун озодликни жазосини ташкил қилади, Андижон вилояти уйда истиқомат қилувчи, 22.10.2021 йилда ва 23.10.2021 йилда вақтинча ушланган, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 05.11.2021 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи АААААААААА, ҳавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, телефон орқали Республика ҳудудидаги олий ўқув юртлари ректорларига кўнғироқ қилиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Ориповнинг ёрдамчиси сифатида таништириб, гўёки Бош вазир А.Ориповнинг укаси хайрия фонди очганлигини маълум қилиб, ушбу фондга хайрия пуллари ўтказишни сўраб, уларнинг пул маблағларини қўлга киритиш режасини ишлаб чиқади.

Шундан сўнг, Қорақалпоғистон Тиббиёт институти ректори О.Атаниязова ва институт проректори Х.Жафаровларнинг пул маблағларини қўлга киритиш мақсадида, О.Атаниязова ҳамда Х.Жафаровларнинг телефон рақамини топиб, уларга кўнғироқ қилган ва ўзини Бош вазир А.Ориповнинг ёрдамчиси сифатида таништириб, уларнинг ишончига кирган ҳолда, гўёки ташкил қилинган хайрия жамғармага 15.000.000 сўм миқдорида пулларни хомийлик қилишлари лозимлигини маълум қилган ва ушбу пулларни ўзининг пластик картасига ўтказиб беришларини ёки такси орқали юборишларини сўраган.



Шундан сўнг, Департаментнинг Шайхонтохур туман бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президент хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда О.Атаниязова ва Х.Жафаровларнинг аризаларига асосан 2021 йил 22 октябрь куни соат 17:25ларда Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, “Олмазор” метро бекати олдида ўтказилган тезкор тадбир давомида, АААААААААА фуқаро О.Атаниязов ва Х.Жафаровлар томонидан юборилган 15.000.000 сўм миқдордаги пулларни Ш.Усмонов орқали олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган ва жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган АААААААААА айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни моддий томондан қийналиб қолганлиги учун пул топиш илинжида, бирон бир олий ўқув муассасасини ректорини телефон рақамини топиб, унга телефон қилиб, ўзини Вазирлар Маҳкамасида ишлашини айтиб, Бош вазир Абдулла Ориповнинг укаси хайрия фонди очганлигини маълум қилиб, ушбу фондга ёрдам беришини сўраб, ўзининг банк пластик картасига ректорларни алдов йўли билан пулларни фирибгарлик йўли билан олиш режасини ишлаб чиқиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаш режесини тузганлигини, шундан сўнг, телефон рақамларининг маълумотлар бюросига қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳридан узоқроқда жойлашган Қорақолпоғистон Республикасидаги Тиббиёт институти хизмат телефон рақамини олганини, сўнг Тиббиёт институтининг хизмат телефон рақамига ўзининг 97-182-19-52 рақамли телефон аппаратидан қўнғироқ қилиб, телефон гўшагини олган қизга ўзини Вазирлар Маҳкамасида ишловчи ходим сифатида таништириб, ундан институт ректори кимлигини сўраганлигини, шунда ушбу қиз унга институт ректори Атаниязова Орал Аминовна эканлигини айтганлигини, қиздан ректорнинг телефон рақамини беришини сўраганлигини, ўзининг 97-182-19-52 рақамли телефонида О.Атаниязовага қўнғироқ қилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зухриддин” исмли ходими деб таништирганлигини, шунда Қорақолпоғистон Республикаси Тиббиёт институти ректори О.Атаниязова ундан “нима хизмат” деб сўраганида, ўзи аввалдан ўйлаб қўйган режасига кўра, Бош вазир Абдулла Ориповнинг укаси хайрия фонди очганлигини ва ушбу фондга хайрия сифатида ёрдам қилиш кераклигини айтганлигини, унинг бу гапларини эшитган Орал ундан “хайрия фондига қанча миқдорда ёрдам қилиш керак” деб сўраганида, унга 20.000.000 сўм атрофида ёрдам қилса бўлишини айтганида, Орал унга бунча пулларни ёрдам сифатида ўтказишга қийналишини айтиб, озроқ пул хайрия қилса бўладими деб сўраганлигини, шунда унга ўзининг хайрихоҳдек кўрсатиб, майли қанча хайрия қила оласиз деганлигини, буни эшитган Орал ундан “15.000.000 сўм пулларни хайрия фондига ёрдам қилсак бўлдими” деб сўраганлигини, у Оралга “майли қўлингиздан келганича ёрдам қилсангиз бўлади” деб айтганлигини, шундан сўнг 2021 йил 19 октябрь куни унинг қўл телефонида Хасан деб таништирган шахс қўнғироқ қилиб, Қорақолпоғистон Республикаси Тиббиёт институти ректорининг ўринбосари (проректор) бўлиб ишлашини айтиб, у билан телефон орқали саломлашиб, сўрашганлигини, унинг телефон рақамини Хасанга институт ректори Орал берган бўлса керак деб, жавоб берганлигини, сўнг бу дадил гапларини



эшитган Хасан унга институт ректори томонидан унга кўнғироқ қилиши ва у орқали хайрия фондига ёрдам пулларини юбориш тўғрисида топширик берилганлигини айтиб, унга нақд пул кўринишидаги пулларни такси орқали бериб юборишини айтганлигини, шунда у Хасанга овора бўлиб юрмаслигини агарда иложи бўлса банк пластик картасига пластик карта орқали ўтказиб берса бўлишини айтганлигини, сабаби агарда у такси орқали унга пул юборадиган бўлса, такси ҳайдовчиси уни кўриб қолиши мумкинлигини ўйлаб Хасанга хайрия пулларини пластик картага тушириб беришини айтганлигини, лекин Хасан унинг таклифига рози бўлмагани ва телефон гўшагини кўйиб қўйганлигини, шундан сўнг, орадан бир-икки кун ўтганидан кейин ўзини Хасан деб таништирган шахс кўнғироқ қилиб, 15.000.000 сўм миқдоридаги пулларни такси орқали чиқариб юбораётганлигини, пулларни олиб келаётган таксист таниш эканлигини айтганлигини, унга Қорақалпоғистон Республикасидан пулларни олиб келаётган таксист 22.10.2021 йил соат 15:00ларда кўнғироқ қилиб, Жиззах вилоятига келиб қолганлигини пулларни олиб келаётганлигини маълум қилганлигини, таксистнинг телефонини бир неча соат кутиб ўтирганлигини, бироқ унга Қорақалпоғистон Республикасидан пулларни олиб келаётган таксист кўнғироқ қилавермаганидан сўнг, ўзи соат 17:00ларда кўнғироқ қилиб, “Тошкентга яқинлашиб қолдингизми, шошиб турган эдим, борадиган жойим бор деб” айтганида, пулларни олиб келаётган таксист йигит унга, агарда шошиб турган бўлса ўрнига бошқа одамни жўнатса ҳам бўлишини айтганлигини, пулларни олиш учун “Шерзод” исмли йигит боришини айтиб, иккинчи турмуш ўртоғининг ўғли Шерзодга кўнғироқ қилиб, унга вилоятдан “почта” келаётганлигини, иложи бўлса, почтани Чилонзор туманидаги “Олмазор” метро бекатидан олиб келишини сўраганлигини, “Шерзод” почтани олиб келишини айтганлигини, шу куни бир таниши набирасини уйлантираётлиги сабабли, у тўйга кетиб, йўлда ўғли Шерзодга кўнғироқ қилиб, почтани олганлигини сўраганида, Шерзод унга почтани ҳали олмаганлигини, лекин ҳайдовчи билан телефон орқали гаплашиб олганлигини айтганлигини, тўйхонада ўтирган вақтида, бир неча марта Шерзодга кўнғироқ қилганлигини, лекин Шерзоднинг телефон кўнғироқларига жавоб бермаганлигини, тўйдан уйга қайтаётганида, Шерзод унга кўнғироқ қилиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасида эканлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг, уйга келганида, уни Департамент ходимлари кутиб олишганлигини, ўз ихтиёри билан Департамент биносига бориб, тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, нафақада бўлиб ва моддий жихатдан қийналганлиги сабабли, шу жинойтга қўл урганлигини, унинг жинойтига ўғли Шерзоднинг алоқаси йўқлини, шунчаки ўзининг ёши катта бўлганлиги ва соғлиғи сабабли, автомашина бошқара олмагани учун ўғли Ш.Усмоновдан унга бериб юборилган почтани олиб келишини сўраганлигини, Ш.Усмонов ким нима бериб юборганидан хабари бўлмаганлигини, Қорақалпоғистон Республикаси Тиббиёт институтининг телефон рақамини у маълумотлар бюросидан олганлигини, маълумотлар бюросидан бошқа вилоят олий ўқув юртлири ректорларининг қабулхоналари телефонларини ҳам сўраганлигини, лекин уларнинг ҳеч бирига туша олмаганлигини, фақатгина Қорақалпоғистон



Республикаси Тиббиёт институти ректорининг қабулхонасидаги котиба телефонни кўтарганлигини, шу сабабли ҳам ундан хайрия фонди учун деб пул сўраганлигини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ориповнинг укаси хайрия фонд очди деб айтганининг сабаби, институт ректорилари Вазирлар Маҳкамасига кўнғироқ қилиб, А.Ориповдан шахсан укаси фонд очдими деб сўрай олмасликларини билганлиги сабабли ҳам у Бош вазир А.Ориповнинг укаси фонд очганлигини, шунга хайрия қилиш кераклигини айтганлигини, аслида, А.Ориповнинг укаси бор ёки йўқлигини билмаслигини, Вазирлар Маҳкамасида ишлайдиган танишлари ҳам йўқлигини, Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт институти ректоридан пул маблағларини фирибгарлик йўли билан олиш учун ўзининг Вазирлар Маҳкамаси ходими сифатида таништирганлигини, агарда ўзини бошқа давлат ташкилоти идораси ходими сифатида таништиради, Қорақалпоғистон Тиббиёт институти ректоридан пул ололмайдан деб ўйлаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи ААААААААА айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг ушбу жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисига келмаган гувоҳ Ш.Усмонов, Ш.Шукурова, Ш.Маманкулов ва Ш.шодиевларнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилди.

Юқоридагилардан ташқари судланувчи АААААААААнинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби жиноят ишидаги О.Атаниязова ва Х.Жафаровларнинг судланувчига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги аризалари, тушунтириш хатлари, ариза юзасидан ўтказиладиган тезкор тадбирда қатнашиш учун махсус фуқаро жалб қилиш ҳақида ариза, тадбирда ишлатиш учун пул маблағига ишлов бериш ва уларни махсус жалб қилинган фуқарога тақдим этиш ҳақида баённома, овоз ёзиш мосламасини тақдим этиш ҳақида баённома, аризани текшириш ҳақида баённома, диктофонни қайтариб олиш ҳақида баённома, пул маблағларини қайтариб олиш ҳақида баённома, экспертиза хулосаси, нарса ва буюмларни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, юзлаштириш баённомаси ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндисини билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд судланувчининг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрь кунидаги “**Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 35-сонли қарори 3-бандида “*Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши*” тўғрисида тушунтириш берилган.

Юқоридаги далиллар, Пленум қарори тушунтиришларини инобатга олиб, суд, судланувчи АААААААААнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов



органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, яъни *“фирибгарлик ҳавfli рецидивист томонидан содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрь кунидаги **“Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 35-сонли қарори 7-бандида *“Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг гайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиши ёки тасарруф этиши реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши”* тўғрисида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддасининг 2-қисмида *“қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишига суиқасд деб топилиши”* белгиланган.

Юқоридаги иш ҳолатлари, жиноят иши тўпланган далиллар, Пленум қарори тушунтиришлари ва Қонун талабларини, шунингдек, Департаментнинг Шайхонтохур туман бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президент хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда О.Атаниязова ва Х.Жафаровларнинг аризаларига асосан 2021 йил 22 октябрь куни соат 17:25ларда Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, “Олмазор” метро бекати олдида ўтказилган тезкор тадбир давомида, АААААААААА фуқаро О.Атаниязов ва Х.Жафаровлар томонидан юборилган 15.000.000 сўм миқдоридаги пулларни Ш.Усмонов орқали олган вақтида ашъвий далиллар билан ушланган ва жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаганлигини инobatга олиб, суд судланувчи ААААААААААнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, яъни *“фирибгарликка суиқасд ҳавfli рецидивист томонидан содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгиларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи ААААААААААга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзандлари, турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, пенсия ёшида эканлигини ЖК 55-моддасига кўра енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарорининг 3-бандига кўра *“Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”* деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 37-бандида *“ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси*



Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиши вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиши пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиши сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшида эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Шунингдек, суд судланувчи АААААААААга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, суд судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзандлари, турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, пенсия ёшида эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди санкциясида назарда тутилган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим топади

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи АААААААААга жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 17.02.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,61,62-моддалари тартибида 5.575.000 сўм жарима ва 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, жарима 28.05.2021 йилда тўлиқ тўланганлиги, Хўжабод тумани ИИБ ПГнинг 09.12.2021 йилдаги №42/3-3425-сонли маълумотномага асосан 1 йил-у 3 ой 22 кун озодликни жазосини ташкил қилиши аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида “Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса,



суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади” деб белгиланган.

Суд, ишда тўпланган далиллар ва Қонун талабларини инобатга олиб, судланувчи АААААААААни ҳукм чиқарилганидан кейин жазони ўташ мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд ашёвий далил тариқасида олинган излар туширилган тампонлар, кукун намуналари ва пулга ишлов беришда фойдаланилган махсус буюмларни тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд манфаатдор томонларга моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 472, 473, 474, 475-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

ААААААААА Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилсин.

АААААААААга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари миқдорида, яъни 18.900.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, АААААААААни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 17.02.2021 йилдаги ҳукмига кўра, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган ҳар хил турдаги жазоларни тўла қўшиб, узил-кесил ўташи учун 18.900.000 сўм жарима жазоси ва 1 йил-у 3 ой 22 кун озодликни жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида АААААААААни 22.10.2021 йилдан 23.10.2021 йилга қадар камоқда сақланган жами 2 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисобга олинсин ва АААААААААга 1 (бир) йил-у 3 (уч) ой 20 (йигирма) кун озодликни жазоси тайинлансин. Жазоларнинг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Жазони ижросини таъминлаш, АААААААААнинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати ААААААААА жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан АААААААААга:

-сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 22:00дан эрталабки соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик ва Республика ҳудудидан чиқмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;



-алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик, сақламаслик ва ўтказмаслик тақиқлари белгилансин.

ААААААААААга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

ААААААААААга қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган излар туширилган тампонлар, кукун намуналари ва пулга ишлов беришда фойдаланилган махсус буюмлар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Манфаатдор тарафларга судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилсин.

Апелляция шикоят ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

